

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

илмий-услубий конференция материаллари тўғрисида

Тошкент – 2010

tice with the monitor an playback equipment so you can use it flawlessly during the speech.

- Computer – Generated Graphics. If you own a personal computer or have access to a computer center on campus, you may be able to create computer – generated graphics for your speeches. Depending on the kind of software you use, these graphics can include anything from simple diagrams to highly sophisticated, full – color charts and graphics programs also include ready – made drawings, symbols, and other clip art that you can add to your visual aids. Another possibility is to design your visual aid on a computer and then have it enlarged and printed directly from disc by a professional copy service. For an additional fee, most copy services will also mount the final product on foam core or poster board.
- Multimedia Presentations. You may have heard of presentation software programs such as Microsoft Power Point, Lotus Freelance, Adobe Persuasion, and Corel Presentation. In Addition to creating computer – generated graphics that can be used in speeches, these programs allow a speaker to produce multimedia presentations that combine charts and graphs, slides and photographs, even animation, video clips, and sound in the same talk. Depending on the technological resources at your school, you may be able to give multimedia presentations.

- The speaker. Sometimes you can use your own body as visual aid – by showing how to perform sign languages for the deal, by demonstrating the skills, of modern dance, by doing magic tricks, and so forth.

Whether you are creating visual aids by hand or designing them on a computer, there are six basic guidelines you should follow to make your aids clear and visually appealing.

No matter what visual aids you plan to use:

- Prepare them well before the day your speech is due.
- Keep Visual aids simple.
- Make sure they are large enough.
- Use fonts that are easy to read.
- Use color effectively.
- Display visual aids where Listeners can see them.
- Display them only while discussing them.
- Talk to your audience, not to your V.A.
- Explain Visual aids clearly & concisely.
- Practice with your visual aids.

МУНДАРИЖА

СУЪ БОШИ	3
Тешибаев М.М. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда парламентаризмининг ўрни	4
Саидов Ш.Ж. Глобаллашув шароитида иқтимоий-сиёсий фанларини ўқитишнинг баъзи жиҳатлари	7
Очилов Б.Э. Современные теоретические подходы о месте международного права в системе международных отношений	9
Евочев Ш.А. Субъекты и формы политической деятельности в арабских государствах	17
Муатарова Ю.Ш., Исмаилова Ю.А. К вопросу организации самостоятельной работы студентов на кафедрах иностранных языков	23
Кадыров А.К., Кадырова Н.Ш. Конституция – гарант реализации национальной идеи и обеспечения интеллектуальной безопасности в Республике Узбекистан	26
Канеева Р.Э. Важность сохранения государственных языков в эпоху глобализации	29
СИЁСАТИШУНОСЛИКНИНГ	
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ	
Абдуллаев М. Форс кўрфазин араб давлатлари сиёсий тизимларининг ўзига хос хусусиятлари	33
Галиева О. Современная политическая природа терроризма	34
Каримов Ф. Замонавий этносий моҳарларнинг хусусиятлари	38
Махсуджонов А. “Хавфизлик” тушунчасини талқик этинининг назарий жиҳатлари	41
Пардоев Н., Саидова С. Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партияларнинг тугган ўрни	43
Пулатов У. Замонавий демократик сиёсий тузумлар хусусиятлари	47
Самаритдинов Ф. Жазонда президентлик институтини мустахкамлашнининг африм жиҳатлари	49
Қосимова З. Япон маданият кадриятлари ва афналарининг ўзига хос хусусиятлари	52
Евочева Г. Продвижение Елгита к гражданокому, открытому и демократическому обществу	54
ЖАХОН СИЁСАТИНИНГ	
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ	
Агзамов З. Хозирги юнда Афғонистонда наркотрафининг ривожланиш сабаблари ва уни олдинги олишининг сиёсий механизми	59
Азимова З. Геополитическое соперничество на Кавказе	62
Ахмедов Т. Саудия Арабистонининг Яқин Шарқ низоларини хал этишдаги интироқи	66
Белозерова А. Транспортные коммуникации во внешнеполитической деятельности центральноазиатских государств	68
Зунаров Р. Азиатский вектор современной внешнеполитической стратегии США	70

ЗАМОНАВИЙ ЭТНОСИЁСИЙ МОЖАРОЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

XX асрда халқаро муносабатларда ва дунёнинг турли минтақаларида бўлиб ўтган туб сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ўзгаришлар албатта янги дунё тартиботини шакллантирди ва шу билан биргалликда бу муносабатларнинг кескинлашишига олиб келди.

Янги дунё тартиботини шаклланиши жараёни минтақалар даражасида ва минтақалар ичидagi эскидан сакланиб келаётган, зиддият ўчоги сакланиб турган, турли хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Шундай муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А. Каримов ўзининг "Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида" деб номланган асарида "бу можаролар илгари икки тугумнинг дунё миқёсидаги қарама-қаршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар кутубининг манфаатлари йўлида бостириб келинган" деб таъкидлаб ўтган эди. Шунини таъкидлаш жоизки, сиёсий-этниқ можароларда кенг қамровли урушларга нисбатан тинч аҳоли кўпроқ жабр кўради. Президентимиз И.А. Каримовнинг сўзлари билан айтганда: "Миллионлаб кишиларнинг тақдирини хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди" (1). Урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронатар-чиликдангина эмас, балки миллиатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади.

Сиёсий-этниқ можаролар олимларнинг этиборини сал кечроқ, сиёсий, ҳўжалик ва давлатлараро конфликтлар ўрганилганидан сўнг ўзига қаратди. Олимларнинг фикрича, этник омилнинг бу қадар жадал суратда ўсиб кетишига на давлат арбоблари ва на жамиятшунослар тибёр эмас эдилар.

Этниқ можароларнинг қиёсий ўрганилиши шунини кўрсатдики, уларнинг хусусиятлари ва босқичлари қайталанадиган характерга эга. Бундай хусусият ва босқичлар, ўхшаш, конфликтларни ўрганилганда можароларнинг баъзи қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Этниқ можароларни ўрганиш жараёнида олимлар қуйидагиларни аниқладилар:

1) Этниқ мансублик — жамиятдаги иқтисодий шаклланишнинг илк шакллари билан бири ва этниқ можаролар — инсоният тарихи давомида унинг ҳамроҳи бўлиб келаётган, иқтисодий можароларнинг қадимий шаклидир.

2) Этниқ мансублик — эркин танлаш предмети ҳисобланмайди. Жуда кўп ҳолларда босим остида инсон имжтимоийлашув жараёнида ўзининг этниқ тегишлигини бир мейротаба ва бир умрга "танлайди" ва бу ҳолат камдан кам ҳолатларда ихтиёрий бўлади. Миллий ўз-ўзини англаш бу иқтисодий ўзликни англашнинг эскиритив типини ҳисобланади ва бу этниқ можаролар-

нинг кескинлашувига сезиларли таъсир ўтказди. Одатда инсонлар миллий туйғулар таъсири остида можароларни вазиятларда соғлом фикрлашдан чеклинган ҳолда ҳаракат қиладилар ва бунинг билан ҳолатни нафакат яхшилашга ҳалақит берадилар балки ўзларининг хатти-ҳаракатлари янада кескинлаштирадилар;

3) Этниқ можаролар, агарда уларнинг объектлари худудий характерга эга бўлса, янада ўткир фазага ўтади;

4) Этниқ можаролар ўз таъсир остига иқтисодий ҳаётнинг турли — сийфий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва бошқа жаҳаларини жалб қилиш қобилиятига эга аммо улар келиб чиқиши бўйича этниқ муносабатлардан фарқ қиладилар.

Инсоният тарихида айнан этниқ можаро фундаментал ҳодиса ҳисобланади, бошқалари эса иккинчи даражали ролларни ўйнайди. Бунинг сабаби — инсон ва жамият ҳаётида этниқ ўзликни англашнинг алоҳида аҳамият касб этишидир.

Шундай қилиб, этниқ можаролар турли тарихий даврлар орқали "қизил" из қолдириб, бошқа барча турдаги конфликтларга сингиб, можароларни вазиятларни қамраб олади. Ва ниҳоят, тарихда маълум даярли барча урушлар кўп ёки кам даражада этниқ асосга эга бўлишган (2).

Этниқ можаролар инсоният тарихининг ҳали бошланиш давридаёқ пайдо бўла бошлаган ва ҳаётини муҳим худудлар учун вужудга келган. Ҳаттоки баъзи этниқ можароларда бутун бир халқлар ўлдирилган ва йўқолиб кетган ёки кучи ассимиляцияга учрашган. Бутун инсоният тарихи давомида этносларнинг сайерамиз бўйлаб бир худуддан бошқа жойга кўчиб юришлари юз берган. Бу фикрни бошқача баён қилиш мумкин: дунё тарихи — бу сайёра юзасини бўйлаб этносларнинг глобал кўчиш лойиҳасидир (3).

Қадимий ёзма манбаалар бизга тарихда бўлган энг қатъа этниқ можаролар бўлганини ҳақиқат маълумот беради: мил.авв. VI асрда Европа халқлари депортациясининг қиёсий тарихи, Европага бостириб келган арабларнинг Европадан ҳайдаб чиқарилиши, қалмиқларнинг ўз ерларидан Шимолий-Ғарбий Ҳитой худудларига сиқиб чиқарилиши ва х.к. Халқлар тўғрисидаги тарихий маълумотлар халқлараро конфликтлар, истилолар, ўз еридан ҳайдаб чиқарилишлар истисно ҳолатлар бўлмаганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзга қабилаларни қулга айлангириб уларни товар сифатида сотиш мақсадида босиб олиш қадимдан маълум бўлган. Бундай фаолият билан ҳали мил. авв. 2-минг йилликдаёқ финикиялик қароқчилар шуғулланишган. Бетона қабилаларни қулга олиш ва қул сифатида сотиб юбориш мақсадида қучли ва шайқатсиз қабилалар турли худудларга юришлар қилганлар. Бундай қуллар савдосини янги тарихда ҳам Америка, Англия, Япония, Ҳитой ва бошқа давлатларда учратиш мумкин бўлган (4).

Қучинча мамлакат ичидаги этниқ муносабатлар халқаро муносабатлар билан қуллаб умумий хусусиятларга эга бўлади. Одатда уруш этнослар ўртасидаги кенг қўламдаги можароларни эслатади ва унда можароларнинг барча шаклларига жой топилади. Уруш эртами кечми ўт очинлар тугатилиши ва тинчлик ўриятилиши билан якуни топади, аммо этниқ можароларнинг

охйри йўқ. Бир кескинлашиб, бир сокинлашиб улар асрлаб давом этиши мумкин (5). Барча ижтимоий моjarолар каторида этник моjarолар ҳам жамият учун ахамиятли вазифаларни бажарган ҳолда ижтимоий маконда вужудга келади ва ривожланади. Конфликтлар табиатидаги тушуниш учун авваламбор унинг структурасини таҳлил этиш қилиш, унинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ижтимоий мантқини аниқлаш керак бўлади. Масалан, П. Бурдьё синифлар ва гуруҳлар ўртасида шаклландирилган ва ривожландирилган моjarоларни капиталининг нотўғри тақсимоти билан боғлайди.

Сийёсий, иқтисодий, диний ва бошқа моjarолар ижтимоий кучларнинг тегишли маконларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва қондириш учун тўқнашувлари ҳисобланади. Ижтимоий майдондаги ҳар қандай жарайёнлар нафақат жамиятда экс этади, балки унда асос бўлувчи ижтимоий базани қўлга киритишади (6).

Мазмунан этноижтимоий моjarолар манфаатлар ўртасида вужудга келади. Конфликтларнинг табиатини аниқлаш учун манфаатлар ва уларни субъектлар томонидан тушуниш усулларини аниқлаш жуда муҳим. Дорендорфнинг фикрича талаблар билан боғлиқ манфаатларнинг яширилиши; ҳаёт учун жуда муҳим моддий воситалар (худуд, табиий бойлиқлар, энергетика ва табиий ресурслар, сийёсий ҳокимият ва етакчилик) моjarони, шу жумладан этноконфликтни мустаҳкам курашга айлантиради. Моjarонинг генезиси ва этилиши – бу латент ва яширин манфаатларнинг кристаллашуви жарайонидир (7). Шу ва бошқа катор маълумотларни бирлаштирилган ҳолда этнополитологлар шундай фикрга келадилар – ҳар бир моjarо ўзига яраша мураккаб бўлсада уни таҳлил қилиш имконияти бор ҳамда таҳлил қилиш мақсадга молиқ ва фойдали.

Замонавий шаронда этносийёсий моjarолар табиати ва уларнинг ривожланиш йўлларини, предметнинг комплекслиги ва кўп томонламалигини ҳисобга олган ҳолда, фақатгина бир фан воситалари ёрдамида ҳар томонлама таҳлил қилишнинг деярли имкони йўқ. Уларни фаннинг турли соҳа вакиллари – файласуфлар, этнологлар, психологлар, этнополитологлар, иқтисодчилар, социологлар, ҳуқуқшунослар ва бошқалар ўрганишади (8). Этник (этносийёсий) моjarоларнинг вужудга келиши, эволюцияси ва ривожининг сабаларини тушунтирувчи бир қанча назариялар шаклланди. Бирок бутун ва яхлит тадқиқот хали амалга оширилмаган.

Авваламбор, ҳар қандай минтакавий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларда олинган этносларро келишмовчиликлар ҳолатида сийёсий ҳагги-ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш зарур. Бу давлатнинг миллий сийёсати концепциясига таянувчи ва мазкур худуддаги эхтиёжларга боғлиқ аниқ сийёсий ҳаракатлантирувчи аниқ ва тушунарли ҳужжат бўлиши керак (9).

Кўпмиллатлилик, айниқса миллатларро муносабатларнинг кескинлашуви ҳолиса сифатида сийёсий ҳокимиятдан маълумотлар базаси, электрон алоқа маркази ва бошқа ресурсларга эга профессионал-этнополитологлар гуруҳини олинган тайёрлашни талаб қилади.

Аммо, сийёсий ва айниқса ижтимоий қўллаб қувватлашсиз ҳар қандай кучли тайёрланган этнополитологлар ҳам минтакадаги этносийёсий ривож-

ланишга сезиларли таъсир кўрсатиши жуда қийин. Мазкур гуруҳ минтаканинг кўп миллатли аҳолисига таъсир қила олувчи обрўли шахсларнинг ишончли ва яхши тайёрланган фаолларига таяниши керак.

Бундан ташқари, этносийёсий тўқнашувлар авж олган пайтда махсус тайёрланган хавфсизлик кучларидан фойдаланишга юқори даражадаги тайёргарлик керак бўлади.

(1) Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққият йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 41-51.

(2) Проблемы управления в сфере межнациональных отношений. – Поволжская академия госслужбы, 1998. – С. 172.

(3) Козарев Г.И. Введение в конфликтологию. – М.: Владос, 1999.

(4) Авксентьев В.А. Этническая конфликтология в поисках научной парадигмы. – Ставрополь, 2001.

(5) Губенко О.В. Последняя битва. – Ростов-на-Дону, 2003.

(6) Авксентьев В.А. Этническая конфликтология в поисках научной парадигмы. – Ставрополь, 2001.

(7) Бутенко В.П. Любить на век. – Ставрополь, 2004.

(8) Авксентьев В.А. Этническая конфликтология в поисках научной парадигмы. – Ставрополь, 2001.

(9) Основы национальных и федеральных отношений. – М.: РАГС, 2001. – С. 68.

Махсуджонова А. – ТошДШИ магистранти

“ХАВФСИЗЛИК” ТУШУНЧАСИНИ ТАДҚИК ЭТИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ҳозирги замон сийёсатшунослигини асосий категорияларидан бири сифатида хавфсизлик омили идрок этилмоқда. Умумий ҳолда, *қувватлик оми даражасида хавфсизлик – субъектнинг таҳдидлар, зиён, зарар ва ёвузликдан ҳимояланганлик ҳолати ва даражаси (1).*

«Хавфсизлик» тушунчасининг кўплаб таърифларини, кенг ва тор маънодаги хавфсизликни илмий адабиётда ушбу ҳолатни муайян белгиларни таҳлил қилиш орқали ифодалашга интилиш бирлаштиради:

– хавфсизлик объектнинг унинг учун хавф, яъни хоссалари ёмон томонга ўзгариш хавфи бўлмаган ҳолати;

– миллатнинг бошқа мамлакатлардан ҳам, ўз мамлақати ичидан ҳам бўладиган ўз мавжудлигига нисбатан таҳдидларга қаршилик кўрсатиш учун етарли даражадаги иқтисодий ва ҳарбий қудратини таъминловчи ҳолати (2);

– ташқи хавфлардан озод бўлиш учун ҳақиқий қобилияти (3);

– халқро муносабатларнинг ҳар қандай шаклда эркин тинчликни бузиш ёки халқларнинг хавфсизлигига таҳдид солишни истисно этувчи ҳолати (4).

БМТ Низомида уларнинг «Халқро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун» (5) интилиши Бирлашган Миллатларнинг мақсадларидан бири сифатида эълон қилинади.